



“QIYOMAT” ROMANIDAGI KO‘P MA’NOLI SO‘ZLARNING TARJIMASIGA
DOIR AYRIM MULOHAZALAR

Ismatova E‘zoza Shukrulloevna

Toshkent davlat transport universiteti

“Tarjima nazariyasi va amaliyoti” yo‘nalishi

TNR-4r-24 guruhi 2-bosqich talabasi

ANNOTATSIYA: *Mazkur maqolada Chingiz Aytmatovning “Qiyomat” romanining o‘zbek tiliga tarjima qilingan matnida uchraydigan ma’no ko‘chish turlari — metafora, metonimiya, ibora va o‘xshatishlar lingvistik jihatdan tahlil qilinadi. Ushbu badiiy vositalar qahramonlarning ruhiy holati, ichki kechinmalari hamda ijtimoiy muhit bilan bog‘liqligi atroflicha yoritiladi, so‘zlarning matnga qarab ma’nodagi o‘zgarishi, ramziy va real ma’nolarning o‘zaro uyg‘unligi aniq misollar asosida ko‘rsatib beriladi. Shuningdek, tarjima jarayonida badiiy ma’noni saqlash va uni to‘liq yetkazish masalalari ham muhim ahamiyat kasb etadi. Maqola Chingiz Aytmatov ijodidagi til va uslub xususiyatlarini chuqurroq anglash imkonini beradi.*

Kalit so‘zlar: *Ma’no ko‘chish, metafora, metonimiya, o‘xshatish, badiiy til, lingvistik tahlil, tarjima muammolari, ramziy ma’no, uslubiyat.*

АННОТАЦИЯ: *В данной статье с лингвистической точки зрения анализируются виды переносного значения — метафора, метонимия, синекдоха и сравнение, встречающиеся в узбекском переводе романа Чингиза Айтматова «Плаха». Эти художественные средства всесторонне освещаются в связи с психологическим состоянием героев, их внутренними переживаниями и социальной средой. На конкретных примерах показывается изменение значений слов в зависимости от контекста, а также гармоничное сочетание символического и реального значений. Кроме того, особое внимание уделяется вопросам сохранения художественного смысла и его полноценной передачи в процессе перевода. Статья позволяет глубже понять языковые и стилиевые особенности творчества Чингиза Айтматова.*

Ключевые слова: *Перенос значения, метафора, метонимия, синекдоха, сравнение, художественный язык, лингвистический анализ, проблемы перевода, символическое значение, стилистика.*

ABSTRACT: *This article provides a linguistic analysis of types of semantic transfer—metaphor, metonymy, synecdoche, and simile—found in the Uzbek translation of Chingiz Aitmatov’s novel The Scaffold. These literary devices are thoroughly examined in relation to the characters’ psychological states, inner experiences, and their connection to the social environment. Through specific examples, the article demonstrates how word meanings change depending on the context, as well as the harmonious interaction between symbolic and literal meanings. Additionally, the study emphasizes the importance of preserving artistic meaning and conveying it fully in the translation process. The article offers an*



opportunity for a deeper understanding of the linguistic and stylistic features of Chingiz Aitmatov’s works.

Keywords: *Semantic transfer, metaphor, metonymy, synecdoche, simile, literary language, linguistic analysis, translation issues, symbolic meaning, stylistics.*

KIRISH

Tarjimon ijodiy jarayon sifatida, muallif va o‘quvchi o‘rtasida vositachi vazifasini bajaradi.

Shuhrat Shukurov

Tarjima haqida ilk nazariy fikrlar dastlab Rimda paydo bo‘lgan, dastlab og‘zaki tarjimalardan boshlanib, yozma adabiyot matnlarning tarjimasi orqali shakllangan. O‘zbekistonda esa XX asr 2-yarmida maxsus fan sifatida rivojlanib, adabiy tarjima yo‘nalishida katta yutuqlarga erishgan. G‘. Salomovning²⁴ fikricha, "tarjima" atamasi forscha "tarzabon" so‘zidan arabchalashgan bo‘lib, fors tilida "go‘zal so‘zlovchi, so‘zlovchi, burro shaxs" degan ma‘noni bildiradi. Arab tilida bu so‘z "tarjimon" shaklida bo‘lib, undan "tarjima" yoki "tarjima" kelib chiqqan. O‘zbek tilida "ko‘chirish", "qaytish", "ag‘darish", "burilish" atamaları bilan ifodalanadi. Demak, tarjimaning o‘zbek tilida sinonimlari bor: Burilish, ag‘darish, burish, burish, o‘tish. Tarjima nazariyasi predmeti tarjima amaliyoti, tarjima ishlari, tarjima jarayonlari, tarjima faoliyati, tarjima tarixi va ularni o‘rganish asosida ona tili bilan chambarchas bog‘liq bo‘lib, tarjima qoidalari, yo‘riqnomalarini aks ettiradi va umumlashtiradi.

O‘zbek adabiyoti va adabiyotshunosligi, milliy tarjima san‘atini rivojlantirishda alohida xizmat ko‘rsatgan Ibrohim G‘ofurov bir qancha bestseller asarlarni mohirona tarzda tarjima qilgan. Shulardan biri XX asr qirg‘iz adabiyotining eng iste‘dodli va jahonga tanilgan yirik namoyandalaridan biri Chingiz Aytmatovning "Qiyomat" romanidir. Uning tarjimalari o‘zbek tarjima madaniyatining eng yuksak yutuqlaridan biri hisoblanadi, hatto tarjimalari bugungi kunda ham o‘z ahamiyatini saqlab, avloddan avlodga o‘tib kelmoqda.

MATERIALLAR VA MUHOKAMA

Chingiz Aytmatovning «Qiyomat» romanida ezgulik va yovuzlikning kurashi, inson va tabiat munosabati bo‘rilar Akbara bilan Toshchaynar obrazi orqali ochib beriladi. Aytmatovning asarlari jahonning 154 tiliga tarjima qilinib, 20 mln. dan ortiq nusxada chop etilgan. Hattoki, Nobel mukofotiga nomzod bo‘lgan, ammo mukofotni ololmagan. Moskvalik xo‘jalar bunga yo‘l qo‘ymagan; - Chingiz Aytmatovning nomini yana bir iste‘dodli adib – Gabriel Garsiya Markes bilan XX asr jahon adabiyotining eng buyuk adiblari deya e‘tirof etiladi.

Tarjima jarayoni, ta‘bir joiz bo‘lsa, ikki qanotga ega. Birinchisi, jahon tillaridan o‘zbek tiliga tarjima qilish. Ikkinchisi, o‘zbek tilidan jahon tillariga tarjimalarni ro‘yobga chiqarishdir. Ibrohim G‘ofurov tarjimonlik borasida shunday intervyu beradi: "Kitobxonni

²⁴ Salomov, 1978, 98b, I. G‘ofurov, O. Mo‘minov, M. Omonov 2012.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



o‘ylamay tarjima qilishning sira iloji yo‘q. Mas’uliyat bo‘lmasa, hech yerda hech bir ish bitmaydi. Mas’uliyatli odam deb kimnidir ta’riflasangiz, o‘sha odamga nisbatan beixtiyor ishonch va hurmat uyg‘onadi. Ijodkor mas’uliyatini-ku qo‘yavering. Ijodkor so‘zga, g‘oyaga mas’ul.”²⁵ Tarjimadagi har bir ma’no ko‘chish turi alohida misollar orqali ko‘rib chiqilib, ularning, qahramonlarning, ruhiy holatini ifodalash, voqealarning hissiy rangini kuchaytirish hamda asarning ramziy mazmunini ochib berishdagi roli tahlil qilindi. Mulohazalar shuni ko‘rsatadiki, ma’no ko‘chishlar romanda faqat badiiy bezak vazifasini bajarmaydi, balki muallif g‘oyasini chuqurroq anglashga xizmat qiladi. Tarjima jarayonida bu vositalarning saqlanishi o‘quvchiga asardagi obrazlar va voqealarni to‘liqroq idrok etish imkonini beradi. Shu jihatdan, tarjimada ma’no ko‘chishlarni to‘g‘ri yetkazish muhim ahamiyat kasb etadi.

NATIJALAR

Nutqimizda keng tarqalgan va eng ko‘p qo‘llaniladigan ma’no turlaridan biri metafora. ”Metafora” yunoncha so‘zdan olingan bo‘lib ko‘chirish, ko‘chim degan ma’nolarni anglatadi, ya’ni so‘zlar yoki iboralarning o‘z ma’nosida emas, balki ko‘chma ma’noda ishlatilishidir. Metafora muallifning fikrlarini yorqinroq va chuqurroq ifodalashga yordam beradi.

Misollar:

◀▶ Помню ясное зимнее утро, редко падающий снежок на бульваре.

редко падающий снежок

Қиш пайти эди, эрталаб ҳамма ёқ оқарган, ёп-ёруғ хиёбонларга эринибгина қор учқунлайди.

эринибгина қор учқунлайди

◀▶ Ну что ж, на таких, как я, история отыгрывается, отводит душу

история отыгрывается

Нима ҳам қилардик, тарих менга ўхшаганлардан қасдини олади, уларни эрмакка айлантиради.

тарих менга ўхшаганлардан қасдини олади

◀▶ Лицо Сандро в ночи было бело как мел.

ночи было бело как мел

Сандронинг башараси тун шуъласида бўздей оқариб кўринарди.

тун шуъласида бўздей оқариб кўринарди.

◀▶ Я постигал благодаря искусству этих певцов изначальную сущность. **храмового песнопения-этот крик жизни**

Бу ҳаётнинг фарёди, қўлларини кўқларга чўзган инсон боласининг нола-афғони эди.

ҳаётнинг фарёди

◀▶ Торжествующие голоса наши возносятся к небесам, и земля под нами прочна и незыблема.

²⁵ Tarjimon bilan suhbat, @davron.uz





голоса наши возносятся к небесам

Бизнинг овозларимиз эса кўк тоқларига ўрлар, оёғимиз эса заминда мустаҳкам турарди.

овозларимиз эса кўк тоқларига ўрлар

МЕТОНИМИЯ – ikki tushuncha o‘rtasidagi yaqinlikka asoslangan o‘xshashsiz ko‘chim. Metonimiyada biror narsa yoki voqea-hodisaning nomi boshqasiga ko‘chiriladi, biroq bu nomlash narsalar o‘rtasidagi o‘xshashlikka emas, balki ular o‘rtasidagi yaqinlikka, aloqadorlikka asoslanadi.

Misollar:

◀▶ Видимо, среди присутствующих было много знакомых, между собой все оживленно переговаривались, и только я один молчал, был сам по себе.

присутствующих было много знакомых

Афтидан, залдагиларнинг кўпчилиги бир-бирларини танишса керак, ҳаммалари чакчақлашиб ўтиришарди

залдагиларнинг кўпчилиги

Бу ерда жой номи орқали одамлар назарда тугилади. Яъни, “зал” дейилса-да, аслида залда ўтирган ёки тўпланган кишилар англашилади.

◀▶ -Попросим! — предложила она под аплодисменты.

под аплодисменты

Сўраймиз! – деб таклиф қилди у ичкаридагиларни залнинг қарсақлари остида.

залнинг қарсақлари

Бу ифодада залнинг қарсақлари деб қўллар орқали одамлар назарда тугилади. Яъни, аслида “залдаги одамлар” демоқчи бўлиб, уларнинг ҳаракати — қарсак орқали ифодаланади.

◀▶ Зал точно опустел.

Зал худди бўшаб қолгандек туюлди.

Залдаги одамлар сони камайган ёки ундаги муҳит тинч ва сукунатли, шовкин-сурон камайган ҳолатни англатади.

◀▶ Шестеро и седьмойю.

Олтовлон ва еттинчи.

Бу ифодада сонлар орқали одамлар гуруҳи назарда тугилади. Яъни, аниқ шахслар айтилмай, уларнинг сони билан ифодаланиши — метонимиядир.

◀▶ И даже земля, на которой мы родились и выросли, не желает, чтобы мы оставались на ней.

даже земля, на которой мы родились и выросли

Ҳатто бизни йўргаклаб вояга етказган жонажон еримиз ҳам бизни сиғдирмаяпти.

бизни йўргаклаб вояга етказган жонажон еримиз

Бу ерда “ер” сўзи ўзининг тўғридан-тўғри маъносида эмас, балки унга яқин бўлган “Ватан”, “она юрт” тушунчаси ўрнида қўлланиб, бутун маънони қисм орқали



ифодалайди. Шу орқали юртнинг инсон ҳаётидаги онадек меҳрибон ва тарбияловчи ўрни таъсирли тарзда очиб берилган.

IBORA – bu so‘z birikmasi yoki gapga teng bo‘lgan, lekin tarkibiy qismlarining ma’nosidan farqli o‘laroq, yangi, o‘ziga xos obrazli ma’no kasb etuvchi turg‘un jumla bo‘lib, tilda ma’noni chuqurroq, rang-barangroq ifodalash uchun ishlatiladi.

Misollar:

◀▶ Аввал ўзингга боқ, кейин ногора қоқ.(rus tilida berilmagan)

◀▶ До начала концерта оставалось еще полчаса, и я не стал бродить по музею, а вышел на улицу подышать и успокоиться.

подышать и успокоиться

Мен музейни айланиб ўтирмадим-да, ўпкамни босиб олай деб, тоза ҳавога чиқдим.

ўпкамни босиб олай деб

◀▶ Певцы плотно выстроились плечо к плечу, образовав небольшое полукружие.

плечо к плечу

Улар елкама-елка ярим доира ясаб туришди.

елкама-елка

◀▶ Кто много страдал, тот много познал.

Азоби кўпнинг билиги ҳам кўп.

◀▶ Особенно яростно сопротивляется отряд удалого Гурама Джохадзе, отлично знавшего окрестные горы.

отлично знавшего окрестные горы

Гурам Жўҳадзе ўзи асли йилқибоқар, теварак-атрофдаги тоғларни беш қўлдай билади.

беш қўлдай билади

O‘XSHATISH (yoki **tashbih**) adabiyot va nutqda ikki yoki undan ortiq narsani, hodisani yoki xususiyatni ular o‘rtasidagi umumiy yoki o‘xshashlikka asoslanib qiyoslash san’atidir, bu esa obrazlilikni kuchaytiradi va fikrni yorqinroq ifodalashga yordam beradi.

Misollar:

◀▶ Но мне больше по душе именно московское предлетье — и днем отрадно на улицах, и белыми ночами, когда царствует до утра пересвет ночной зари и в городе, и в звездном небе над городом.

белыми ночами

Лекин, мен кўпроқ ёзга кириб бораётган Москвани яхши кўраман – унинг кундузги кўчалари гаштли, сутдай оппоқ кечалари гаштли, бундай чоғларда шаҳарнинг ўзи ҳам, шаҳар узра юлдузли осмон ҳам то тонгга қадар тун ёғдуси шуълаларига чўмилиб ётади.

сутдай оппоқ кечалари гаштли

◀▶ Столько народу собралось, да и молодежь наша привыкла к электронному громогласию, а они — как безоружные солдаты на поле боя.

а они — как безоружные солдаты на поле боя.





Бунинг устига бизнинг ёшларимиз бақироқ электрон овозларга ўрганиб қолишган – кўшиқчилар жанг майдонида қуролсиз қолган аскарларга ўхшардилар.

кўшиқчилар жанг майдонида қуролсиз қолган аскарларга ўхшардилар.

◀▶ Горбатые отроги снежных гор, возникшие на рассвете четвертого дня

Горбатые отроги снежных гор

Тўртинчи кун тонг азонда қорли тоғларнинг букир тизмалари кўзга чалинди.

қорли тоғларнинг букир тизмалари

◀▶ Я поспешил вырваться с вокзала на свежий воздух, но, вспомнив, что в центр лучше добраться на метро, снова окунулся в многолюдное движение.

многолюдное движение

Мен вокзалдан тезроқ тоза ҳавога чиқмоқчи эдим, лекин шаҳар марказига метрода бориш қулайлигини эсладим, яна одамлар оқимига кўшилдим

одамлар оқимига кўшилдим

◀▶ Но вот стих и цокот подков, и скрылись в зыбкой лунной придымленности идущие цепочкой силуэты лошадей внизу.

идушие цепочкой силуэты лошадей внизу.

Отлар эркинликни сезгач, тоғдан пастга, одамлар кўналғаси томон турнақатор тизилишиб тушиб кета бошладилар.

турнақатор тизилишиб тушиб кета бошладилар

Eslatma! Maqoladagi barcha ma’no ko‘chish turlari ”Qiyomat” romanining rus va o‘zbek tilidagi tarjimasidan olingan.

Xulosa

Badiiy matnlarni tarjima qilishda tarjimonning vazifasi muallif maqsadini tarjima qiladigan tilda to‘laligicha yetkazib berishdir. Badiiy adabiyotda ranglardan qahramoning ismlarini atashda va uning xulq atvoridan kelib chiqqan holda ham keng foydalaniladi. Asarlarni tarjima qilish jarayonida realiyalarning o‘ziga xos xususiyatlari va me’yordan chetga chiqmaslik hamda ma’noning aslini talqin etilishi ko‘p jihatdan uning tarkibidagi obrazli hamda his-hayajon ifodasi uchun qo‘llanilgan lisoniy vositalarning ijodiy talqin etilishiga bog‘liqdir.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, badiiy matn tarjimasida ma’no ko‘chish gapdagi asosiy fikr va mazmuni yetkazib berishga xizmat qiladi. Ularni to‘g‘ri anglash va mos shaklda berish asarning g‘oyaviy ta’sirini kuchaytiradi. Tadqiq etilgan jihatlar adabiy tarjimaning nazariy va amaliy masalalarini boyitib, til imkoniyatlarini kengroq ochib beradi. Shu orqali tarjimon mahorati, madaniy tafovutlarni hisobga olish hamda o‘quvchi idrokiga moslik masalalari alohida ahamiyat kasb etadi.





TANQIDIY NAZAR, TAHLILIIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ozod Sharafiddinov. Balog‘at. (“Matbuot fidoiylari” To‘plam. 3-Kitob “O‘zbekiston nashriyoti”, 2002.)
2. Najmiddin Komilov. Bedor qalb. “Tafakkur” jurnali, 1997, 4-son
3. Статьи, посвященные Чингизу Айтматову (на русском и узбекском языках)
4. Manba <https://tafakkur.net/chingiz-aytmатов.haqida>
5. <https://www.google.com/>
6. Wikipеiya

